


Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz


2009 йил 14 июль, № 138 (4801)

Сешанба



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 13 июль куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Уильям Бернсни қабул қилди.



Мамлакатимиз раҳбари ушбу учрашув томонлари қизиқтирган икки ва кўп томонлама ҳамкорлик масалалари хусусида фикр алмашиш учун кулай имконият эканини таъкидлади.

Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари халқаро ва минтақавий сиёсатни, жумладан, трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга

оид кенг қўламли масалаларни қамраб олган. Мамлакатларимиз Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклаш ишларида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон ҳудуди орқали Афғонистонга ноҳарбий ва гуманитар юклар етказиб берилмоқда.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатларда ўзаро манfaatли савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида аҳамият берилди.

Оқсаройдаги учрашувда У. Бернс самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ва АҚШнинг ҳозирги маъмурияти Ўзбекистон билан ҳамкорликни барча соҳаларда ривожлантиришдан манfaatдор эканини таъкидлади.

(Ў.А.)

С. ҲУМОНОВ олган суратлар.

МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

ТОШКЕНТда "Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашиш: муаммо ва ечимлар" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Муаммо ечими — ҳамжихатликда

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, "Истикболли авлод" ёшлар ахборот-маърифий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда ҳудудий Идораларо комиссияларнинг масъул котиблари, республика Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

БУҲОРО нефтни қайта ишлаш заводи Маҳаллийлаштириш дастурига киритилгач, ишлар янада юришиб кетди.

Маҳаллийлаштириш дастури самараси

Ўтган йили ушбу дастур доирасида лок-бүёк саноатида кенг қўлланиладиган углеводород эриттичи ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Ҳозир ушбу маҳсулот миқдорларга етказиб берилди. Бу, бир тарафдан, корхоналарни ушбу маҳсулотни хориждан келтириш машаққатидан қутқарган бўлса, иккинчи тарафдан, маблагни иқтисод қилиш имконини берди.

Шу кунларда мазкур жамoa йил охиригача 10,6 минг тонна углеводород эриттичи ишлаб чиқариш мақсадида самарали меҳнат қилмоқда.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАВОИЙ вилояти Қизилтепа тумани тадбиркорлари Муस्ताқилликнинг 18 йиллигига муносиб совға ҳозирлашмоқда.

Тадбиркорнинг хайрли тадбири

Хусусан, Ҳўжа Ҳасан қишлоғилик тадбиркор Д. Душанов 500 миллион сўм маблағ сарфлаб, маҳалла гузари қурди. Мазкур мажмуа таркибида 700 ўринли маросимлар зали, савдо дўконлари ҳамда ўнлаб машиный хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

Тадбиркорнинг хайрли тадбири туфайли 30 нафар киши доимий иш билан таъминланди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАН вилояти Норин туманидаги 46 та умумтаълим мактаби янги йўл йилгига умдатидан илгари тайёрлаб қўйилди.

Умдатидан илгари тайёр

Шу мақсадда тумандаги тадбиркорлик тузилмалари ва фермер хўжаликлари таъмирлаш ишларига жалб этилган эди. Норинкапа қишлоғилик фермерлар томонидан 34-умумтаълим мактаби биноси таъмири учун 105 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, уларнинг сайёҳаракати билан 14-умумтаълим мактаби хрвлиси девор билан ўралди. Иккита билим маскани ҳудудига эса асфальт ётқизилди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АНДИЖОНда маҳалла фуқаролар йиғинининг раисларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун махсус тажриба мактаби ташкил этилди.

Маслаҳатчилар мактаби

Диний идоралар вақиллари, шифокорлар ва ФХДЕ ходимлари томонидан ўтказилаётган машғулотлар маҳалла фаоллари ҳамда маслаҳатчилар учун жуда фойдали бўлаётди. Шунинг учун бўлса керак, улар ўзлари яшаб турган ҳудудларда ҳам тажриба алмашиш мактабларини ташкил этишни мўлжаллашмоқда.

Ш. ОДИЛЖОНОВ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг "Ўзбекистонда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги ислохотлар" мавзусига бағишланган семинари бўлиб ўтди.

БОЛАЛАР ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАСИ — ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Тадбир ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар масъуллари, нодавлат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Айтиш жоизки, юртимизда болаларга ҳар томонлама гамхўрлик қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, жисмонан бақувват ва маънан баркамол ёш авлодни шакллантиришга йўналтирилган ижтимоий дастурлар устуворлигига жиддий эътибор қаратилаётди. Давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив санолатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилиши ушбу семинарда алоҳида кайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

ЖИЗЗАХ вилояти галлакорлари давлат омборига 240 минг тоннадан зиёд галла топшириб, йиллик шартнома мажбуриятини ошириб бажардилар.

ЖИЗЗАХЛИК ДЕҲҚОНЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Эришилган бу муваффақиятга, айниқса, Дўстлик, Зомин, Жиззах, Арнасой туманлари деҳқонлари салмоқли улуш қўшдилар. Арнасой туманидаги "Сангзор" ва "Фароғат опа", Дўстлик туманидаги "Зарбулоқ", Пахтакор туманидаги "Жабборов Уткир", "Азизон Ревгорий" ва "Нўмон ота", Ғаллаорол туманидаги "Деҳқон" ва "Абдужалилхон", Баҳмал туманидаги "Ғолиб", Тўлқин Зиедуллаев ва "Абдуолим Гулмуродов" сингари кўп қисм фермер хўжалиқларида эса юқори ҳосилдорликка эришилди.

Жорий йилда лалми деҳқончилик билан шуғулланадиган туманларда мўл ва сифатли ҳосил етиштирилгани, жами 180 минг гектар майдондаги галлани ўриб-йиғиб олишда 556 та комбайн умумий ишлатилгани ютуқлар омили бўлди.

Вилоятда галла ўрим-йиғими давом этапти.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КЕКО НАКАЯМА: «ЎЗБЕКISTON ЎЗ ИҚTISODIЁТИНИ ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ШАРОИТИДА ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИБ, ҲАВАС ҚИЛГУЛИК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШМОҚДА»

Тошкентда амалий ташриф билан Япония бош вазирининг махсус маслаҳатчиси, ушбу мамлакатнинг юртимиздаги собиқ элчиси Кёко Накаяма хоним меҳмон бўлди. Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида музокара ўтказилиб, икки мамлакат ҳамкорлигини жадаллаштириш масалалари юзасида фикр алмашилди. Ташқи сиёсат маҳкамасидаги учрашувдан сўнг Накаяма хоним "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан сўхбатда бўлди.

Ташриф чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш масалаларини кўриб чиқдик, — деди К. Накаяма. — Шу кунларда Япония парламенти Ўзбекистон билан имзоланган инвестицион ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ратификация қилинган битим ҳамкорлик кўламини изчил кенгайтириб бориш ва мамлакатларимиз иқтисодий салоҳиятидан янада самаралироқ фойдаланиш мақсадидаги хизмат қилади.

самимий ва ёрқин табассум ҳам кишига ўзгача бир мамнуният бахш этади. Имкониятдан фойдаланиб, шунингдек, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаятган яна бир қутлуг байрам — Муस्ताқиллик кўни билан самимий муборакбод этаман. Президент Ислам Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон ўз иқтисодиётини тинчлик ва барқарорлик шароитида жадал сурьатда ривожлантириб, ҳавас қилгулик натижаларга эришмоқда. Улуғ байрам арафасида Ўзбекистонлик дўстларимизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат тилайман. Юртингиз доимо гуллаб-яшнайсин!

«Жаҳон» АА.

Биз ва жаҳон

Ўзгариб, янада чирой очмоқда, кўплаб замонавий, муқашам ва муаззам кинолар қад кўтариб, шаҳар инфратузилмаси такомиллашиб бораётди. Шу билан бир қаторда, Тошкентнинг яна бир жиҳати — одамларнинг юзларидаги нишонлайди. Шу муносабат билан мен Тошкентга ҳар йили ташриф буюриб, шаҳардан янги-янги таассуротлар билан қайтаётганимни таъкидлашни истардим. Юртингиз пойтахти шиддат билан ўзгариб, янада чирой очмоқда, кўплаб замонавий, муқашам ва муаззам кинолар қад кўтариб, шаҳар инфратузилмаси такомиллашиб бораётди. Шу билан бир қаторда, Тошкентнинг яна бир жиҳати — одамларнинг юзларидаги

ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОРДАН МАМНУНМИЗ

Кунда бир яшнаётган гўзал юртимиз, фаровонлашган турмушимизга боқиб, юракдан шукр қиламан. Зеро, ишлайман деганга замонавий ишхона, ўқийман деганга кишининг ҳаваси келадиган таълим ва

қўйилиб, уйда ўтирган аёлларга ҳам ишлаш учун шароит яратилгач, улар сифига қўшилдим. Корхона томонидан тикув машинаси беришган. Хом ашё — газлама, астарлик, ип ва бошқа зарур буюмларни келтириб туришди. Тайёрлаган маҳсулотимизни сотиш ташвиши йўқ. Биз, асосан, унча кўп малака талаб қилмайдиган

қўлқоп, ўриндик гилофи, иш либослари сингари чеварчилик буюмларини тикамиз. Маошимиз тикан маҳсулотимизга яраша, бунга қўшимча равишда меҳнат жамoаси учун яратилган барча имтиёزلардан тўла-тўқис фойдаланамиз.

Дил сўзи

Айни чоғда акциядорлик жамиятимизда меҳнат қилаётган 291 нафар ишчининг 67

нафарини касаначилар ташкил этади. Уларнинг 40 нафари бевосита тикувчилик билан шуғулланиб, ҳам уй, ҳам корхона юмушларининг уддасидан чиқаётган аёллардир. Чок тика бошлаганимдан кейин рўзгоримизга янаям барака кирди. Чунки олаётган маошим харажатларимизнинг маълум қисмини қоплайди-да.

(Давоми 2-бетда).

Ахборот тизимлари интеграциялашмоқда

2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва коммуникациялар комплекси соҳаларида 834,8 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди.

Ўтган даврда давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органлари ахборот тизимларининг интеграциялашган тармоғини яратиш, идораларо электрон ҳужжат алмашувини жорий этиш, корхоналарни модернизация қилиш, маҳсулотларнинг турлари ва сифатини ошириш туфайли шундай ижобий натижага эришилди.

Президентимизнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори қишлоқда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Жумладан, унда шу йил 1703 та қишлоқ мактаби мебель, компьютер ва спорт анжомлари билан жиҳозланиши ҳамда 168 та болалар спорт иншооти ва 6 та сузиш ҳавзаси қурилиши кўзда тутилган.

Айтиш лозимки, истиқлол йилларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Масалан, 1992 йил 14 январда Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу ҳужжат кейинчалик янги таҳрирда ишлаб чиқилди ва ҳозирда амал қилиб келмоқда.

СОҒЛОМ ТУРМУШ АҲАМИЯТИ

Бу борадаги ишларни янада кучайтириш мақсадида 2004 йил 27 сентябрда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташкил этилди. Айни пайтда ушбу ҳужжат талабларини бажариш ҳамда маданият ва спорт соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишни мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Натижада вазирлик тарихига кирувчи ташкилотлар ва муассасалар, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари, туман (шаҳар) маданият ва спорт ишлари бўлиmlарининг намунавий тўзилиши белгилан берилди.

тижасида жисмоний тарбия ва спортни омаллаштиришга эришилди. Бу борада, айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг «Уқувчи ва талаба ёшларини спортга жалб қилишга қаратилган узлуқсиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжат асосида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақалари ташкил этилган бўлиб, улар қатор йиллардан буюн муваффақиятли ўтказиб келинаётди. Мазкур мусобақалар ўнлаб истеъдодли ёшларни кашф этаётганлиги билан, айниқса, аҳамиятлидир.

Табиийки, соҳани ривожлантиришда рағбатлантиришнинг ўз ўрни бор. Шу боис мамлакатимиз раҳбарининг «Жаҳон чемпионатларида юқори натижаларга эришгани учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларини мукофотлаш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари асосида юқори натижаларга эришган спортчиларимиз муносиб тақдирланиб

келинмоқда. Бу ғамхўрлик нафақат спортчилар, балки барча аҳолини спорт билан шугулланишга илҳомлантираётди. Ҳатто жойларда спортнинг базис турлари бўйича оммавий шугулланиш йўлга қўйилганлиги мамнуният билан айтиш мумкин.

Айниқса, болалар орасида спортга қизиқишнинг ортиб бораётганлиги қувончлидир. Айни пайтда болалар спортини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси яратилиб, салмоқли натижалар кўлга киритилганлиги ҳам эътироф этиш лозим. Жумладан, «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармон ҳамда ушбу ҳужжатнинг бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган. Ҳозирда ушбу ҳужжатлар болалар спортини кенг тарғиб этиш, болалар учун ишлаб чиқарилаётган спорт моллари турларини кўпайти-

ришда ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Бундан ташқари, «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга асосан, жисмоний ва маънавий соғлом авлодни тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар яратилаётди. Шу билан бирга, спорт иншоотларидан сама-

қарорлари асосида халқро талабларга жавоб берадиган спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш ташкил этилди. Натижада ўзимизда ишлаб чиқарилган анжомлар спорт қосоналаримиздан жол олмақда.

Шунингдек, юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича халқро ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилганлигини ҳам айтиш ўтиш лозим. Жумладан, 1992 йил 27 июнда «Ўзбекистон Республикаси ҳуқумати билан Покистон Ислому Республикаси ҳуқумати ўртасида маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, кадрлар тайёрлаш, туризм, спорт ва оммавий ахборот соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим» имзоланган. Унга биноан, спорт соҳасидан ҳамкорликни ривожлантириш, спортнинг Олимпия ва миллий турлари бўйича биргаликда мусобақалар ташкил қилиш, спорт делегациялари, жамоалар, спортчилар, мураббийлар ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассисларни айирбошлаш рағбатлантириб келинмоқда. Худди шундай ҳамкорлик алоқалари Саудия Арабистони, Миср Араб Республикаси ва яна бир қатор давлатлар билан ҳам йўлга қўйилган.

Қисқаси, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш ҳамда ривожлантиришнинг тўлиқ ҳуқуқий асослари яратилган. Бу эса, табиийки, соҳа ривожини таъминлаб келмоқда. Спортчиларимизнинг кўпайиб халқро мусобақаларда мунтазам соғвирдорлар сафидан жол олаётганликлари ҳам бунинг яқоли тасдиғидир. Қолаверса, сай-ҳаракатлар изчиллик билан давом эттирилаётган экан, янада салмоқли натижаларни кўлга киритишимиз, шубҳасиз.

Н. МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг
институтини етакчи илмий ходими.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Илмий-амалий конференцияда таъкидланганидек, мустиқлик йилларида мамлакатимизда одам савдоси жиноятининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида кенг миқёсда ишлар амалга оширилаётди. Жумладан, соҳада норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди.

МУАММО ЕЧИМИ — ҲАМЖИХАТЛИКДА

одамларнинг ноқонуний траффига қарши курашиш ва ушбу қабиллик қурбонларини химоя қилишга қаратилган халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди, уларнинг норма ва стандартлари миллий қонунчиликка сингдирилди. Хусусан, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши бу борада ўтказилган тадбирларнинг изчиллигини оширди. Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги қарори билан эса Одам савдосига қарши курашиш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси ва Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси таркиби тасдиқланди, Жизнода Кодексининг 135-моддасига мазкур қилмиш учун жавобгарликни кучайтиришга тегишли ўзгаришлар киритилди.

Булларнинг барчаси, табиийки, тегишли вазирлик ва идораларнинг мазкур иллатга қарши курашиш бўйича ягона стратегия асосида кенг қўлланма иш олиб боришига замин яратди. Чунки, одам савдосининг олдини олишга қаратилган ҳар томонлама комплекс чоралар қўрилатгани бу жиноят билан шугулланувчилар фаолиятининг пайини қирқилди ва айни муддао бўлмоқда. Лекин амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, масъул идораларнинг ишчи ҳудудий комиссиялар фаолиятида мувофиқлаштириш борасида айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, мажбур муаммоларни ҳал этиш бўйича зарур ишлар тўласинча бажарилмаётганлиги таъкидланди.

Анжуманда, шунингдек, амалиётчи мутахассис ва олимларнинг маърузалари тингланиб, одам савдоси муаммосига бағишланган янги адабиётлар тақдироти бўлиб ўтди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова иштирок этди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси.

Президентимиз раҳнамолигида халқ ҳўжалиги, хусусан, саноат соҳасидаги пухта ва изчил ислохотлар онгу шууримизни ўзгартириб юборди. Ҳар бир туман, ҳар бир қишлоқ ҳавас қилса арзиғулик саноат қорхоналарига эга бўлмоқда. Касб-ҳунар коллежларини битириб чиқаётган минглаб ёшларимиз дастгоҳларни моҳирлик билан бошқараётди. Муҳими, улар тайёрлаётган маҳсулотлар ўзининг пишиқ-пухталиги, аъло сифати билан хориж бозорига дадил кириб бормоқда.

Андижон шаҳридаги «Инвесттекс» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси вилоятдаги 86 та қўшма корхонадан бири ҳисобланади. Япония, Туркия, Австриядан келтирилган тўқув ва тикув дастгоҳлари ёрдамида биргина ўтган йилнинг ўзида 1 миллиард 341 миллион сўмлик мато ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди. Унинг 480 минг АҚШ доллари миқдоридаси Россияга экспорт қилинди.

Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори қорхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони иқтисодиёт реал сектори қорхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш, молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди. Иқтисодий жиҳатдан ноқор қорхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмининг тақомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда. Иқтисодиётнинг таркибий ўзгариши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни йўналтириш долзарб масалалардан бирига айланди.

Шу ўринда Булоқбоши туманидаги «Булоқбоши ипаги» очик турдаги акциядорлик жамиятини олайлик. Корхона «ROYAL SILK» масъулияти чекланган жамияти сифатида қайта рўйхатдан ўтди. Банкдан олинган кредит маблағлари қорхонани қайта жиҳозлаш, хом ашё етказиб бериувчиларга бўнак пули ажратишга йўналтирилди. Газ, электр ҳамда сув таъминотидаги узлиш-

САНОАТ ҚИШЛОҚДА ҲАМ РИВОЖЛАНАДИ

ларга барҳам берилди. Корхона линиялари ишга туширилган, юз нафарга яқин хотин-қиз ишли бўлди. Туманлардаги пилла қорхоналаридан жом ашё келтирилиб,

«Тагус текстиль», Марҳаматдаги «Полвонтоштекстиль» сингари ўнга яқин қўшма қорхоналар қадди-қадди тиклабгина қолмай, маҳсулотларининг асосий

Олдинда нефть-газ саноати учун энг зарур бўлган маҳсулот — ошловчи экстракт модда ишлаб чиқаришдек истиқболли ройҳа рўйи турибди. Дастлабки ҳисоб-

билан жиҳозланган қорхоналарда заъ-шавқ билан меҳнат қилмоқдалар.

— Бу имкониятларни, қулайликларни бизга бевоқифа давлатимиз раҳбарлари яратиб бердилар, — дейди мамнуният билан «Марҳамат ип-йигирув, тикув» очик акциядорлик жамияти ишчиси Раъно Маннонова. — 300 киши ишли бўлди. Шунча оилага кут-барака, фаровонлик кириб борди.

Йилга 2,5 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мазкур қорхона ишга тушириш учун Миллий банкнинг Андижон бўлими томонидан 2 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит ажратилди. «Антел» масъулияти чекланган жамияти мутахассислари қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бордилар. Эндиликда хорижий энг замонавий ускуналари ва технологиялари эга бўлган қорхона маҳсулотининг 80 фоизи экспортга мўлжалланган.

Бизда ҳозирда қатор саноат қорхоналарида бўлганимизда, у ерда меҳнат қилаётганлар мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар шарофати билан аҳоли турмуш даражаси йилдан-йилга яхшиланиб бораётганини, шаҳар ва қишлоқлар қўрқамлашиб, чиройига чирой қўшилаётганини фахру ифтихор билан эътироф этишди. Ҳақиқатан ҳам, вилоятда фаолият кўрсатаётган 86 та қўшма қорхона томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 116 фоизга ўсган, вилоят бўйича эса маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 2008 йилнинг биринчи чорағига нисбатан 110,4 фоизни ташкил этганлиги ҳам бу фикрни яққол тасдиқламоқда.

Одилжон ШОДМАНИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири,
СУРАТДА: «Инвесттекс» фаолиятдан лавҳа.



Фармон ва ижро

Хурсонбаёқ АРАББЕВ олинган сурат.

уни қуришти ва қайта ишлаш бошлаб юборилди. Вилоятда Модернизациялаш дастурининг босқинча-босқин амалга оширилаётгани боис ноқор қорхоналарнинг соғломлаштирилиши янги босқичга кўтарилди. Жалақуддаги «Алтертекс», Қўрғонтепадаги «Самосертекс», Избосқандаги «Пойту-

қисмини хорижга экспорт қилиш имконига ҳам эга бўлдилар. Уларда 80 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Биргина жорий йилнинг ўзида вилоятда 7 та йирик саноат қорхонасини ишга тушириш кўзда тутилган бўлиб, шундан 4 таси қишлоқларда барпо этилди. Шулардан бири Хонобод-

қорхона тўла қувват билан ишлаш бошлаган, ишчилар сони 500 нафарга етди. Шуниси эътиборга моликки, вилоятнинг энг чекка қишлоқларида ҳам саноат жадал суръатларда кириб бораётди. Ёшлар истиқлол шарофати билан ўз маҳалласида очилган, энг илғор технологиялар

Мустиқлик йилларида Сурхондарё вилоятининг йўллари, таъбир жоиз бўлса, бўйига ҳам, энига ҳам ўсди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан қурилган 213 километрлик «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрган» темир йўли, айниқса, аср қурилиши сифатида доврқ таратди.

ЙЎЛ ОБОДЛИГИ — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

йўл қишлоғимизнинг чиройини очиб юборди. Бизнинг дунё ҳақида, Ватан ҳақида тасаввуримизга сайқал берди. Жаҳон темир йўли харитасида бугун «Дарбанд» деган қатна бекат бор. Шу бекатга туташ ҳашаматли мактабимиз, бог-роғларимиз бор. Ҳеч замонда, ҳеч кимдан қўрмаган ғамхўрликни биз мустиқлик замонида кўрдик: тоғ қишлоқларида табиий газ ёниб турибди, кечарига таёқ судраб, мол боққан фарзандларимиз энди поездларни бошқармоқда. Ишлайман десанг шароит, ўқийман десанг, имтиёз, неки эзгу ният қилсанг, эрк-ҳуқуқинг бор... Буларнинг ҳаммаси — Мусти-

қилгимиз шарофати. Ҳар бир киши ўз хонадони, шахсий ҳаёти, қишлоғи тимсолида шу юртининг ёруғ, буюк келажигини кўриб турибди. Бу — чинакам бахт.

Тамаддунинг давомийлиги, тақрорийлиги таъминлари барча замонларда чархпалак мисол айланиб келавради. Сурхон ўлкаси азалдан Буюк Ипак йўлининг гавжум рабобларидан саналган тарихдан маълум. Қадим сўмоқлар, ёлғизоёқ йўллар ўрнидаги ойнадек текис йўлларда қатнов тобора кўпайиб бормоқда.

Серватнов йўл ҳаммиса обод бўлиб келган. Вилоят ҳудудидан ўтган 351 километрлик халқаро ва 1240 километрлик давлат

ҳўжалиги пудрат-таъмирлаш қорхонаси ўтган йили «Алмати — Бишкек» — Тошкент — Термиз» ташкида 7,5 миллиард сўмлик пудрат ишларини бажарди. Жорий йилда қорхона мазкур йўлнинг энг мураккаб участкасидаги 5 километрлик йўлни таъмирламоқда. Бу борада ҳозиргача 3 миллиард сўмлик иш бажарилиди. Деновлик йўлсозлар эса «Бишкек — Душанбе — Термиз» йўлининг Қумқўрган шаҳрига туташ қисмида мол йўли тармоқ йўллар билан бловчи улкан кўприкни бунёд этмоқда, уч километрлик йўлни кенгайтирмоқда.

— Мустиқлик бизни дадил қадамлар ташлаб ишлашга ўргатди, — дейди шерободлик йўлсоз Йўлдош Холматов. — Йўл ва кўприк қуриш ҳадисини олди. Йўлсозлар шажараси шаклланди. Узим кунига минг юк метр тупроқни юклайдиган хориж машинасини бошқараётган.

БОЛАЛАР ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАСИ — ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, республикаимизда болаларни ижтимоий химоя қилиш тизимини изчиллик билан олиб борилаётган кенг қўлланма ислохотлар юксак самара бераётди. Президентимиз Ислому Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам болаларни ижтимоий химоялашга қаратилган доимий эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Семинар ишида имконияти чекланган болаларнинг ижтимоий химояси ҳамда уларга табиий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам тингланди. Қизгин муҳокама жараёнида бугунги кунда Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар сонининг камайгани, имконияти чекланган болаларни махсус мактаб-интернатларда ўқитишни ташкил этиш бора-сида муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, тадбир давомида болаларни ижтимоий химоя қилишга оид қонунчиликни янада тақомиллаштириш юзасидан тегишли тақлифлар билдирилди.

Зиёда АШУРОВА.

ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОРДАН МАМНУНМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айтишларига қараганда, қорхонамиз ишлаб чиқаришда уй меҳнати иштирокчиларининг ҳиссаси тобора ортаётган экан. Масалан, жорий йилнинг ўтган ойларида улар томонидан бир ярим миллион сўмликка яқин тикувчилик маҳсулотлари тайёрланди. Агар биргина шахримизнинг ўзида йил бошидан буюн касаначилик асосида 1690 та иш ўрни яратилиб, унга жалб этилганлар томонидан 26 миллион сўмликка яқин халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилгани, ҳар бир касаначининг йилга ўртача 45-50 минг сўмдан маош кириб борагани эътиборга олинса, масаланин ижтимоий аҳамияти янада ёрқинроқ кўзга ташланади.

Бугун мамлакатимиздаги кўп қорхоналар ўзларининг ёрдамчи ишлаб чиқаришларини юритиш, жумладан, маҳсулот ишчи қиймаларини тикшиш, жойларда дурдагорлик, сартарошлик сингари маиший хизматнинг зарур турларини ташкил этишда касаначилар меҳнатидан кенг фойдаланмоқда. Юртбошимизнинг мазкур йўналишда қабул қилган Фармони эса бу ҳаракат оммавий тус олишида муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётди. Бу, энг аввало, ҳаёт гултожи бўлган

Назира РАҲИМОВА,
Наманган шаҳридаги «Муштарий» очик акциядорлик жамиятининг касаначиси.

Қандолатчилик қорхонаси

Пойтахт вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида «UK Young» Ўзбекистон — Корея қорхонаси иш бошлади. Унга 260 минг АҚШ доллари миқдордаги инвестиция жалб қилинди.

Интилиш

Қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ушбу қорхонага хорижий замонавий дастгоҳлари ўрнатилган. Айни пайтда бу ерда 15 нафар мутахассис меҳнат қилимоқда. Қорхона Мустиқлик байрами арафасида тўла қувват билан ишлаш бошлади.

Ю. ЁҚУБХОНОВ.



Тоғларнинг чўнг қоялари, тубсиз даралари, саркаш сойлари бунёдкор халқ шаштига, ирода-сига бўйсунди. Темир йўл бугун мамлакатимиз иқтисодиётининг олтин йўлакларидан бири бўлиб, фаровонлигимизга хизмат қилмоқда. Бойсун ер ости қазилма бойликлари, Хонжиза маъданларини ўзлаштириш, узогимизни яқин, оғиримизни енгил қилишда асқотимизда. Қувват бўлмоқда.

— Илгари тоғларимиздан темир йўл ўтади, осмонлар кўприклар бунёд этилади, деган гаплар ҳаёлимизга ҳам келмаган, — дейди Дарбанд қишлоғилик Абдишукур Шералиев. — Янги

лари гурқираб ўсаётгани кишини қувонтиради.

Қумқўргондаги «Ниёзов Абдулқосим» хусусий қорхонаси «Элбаён» маҳалласининг 3 километрлик йўлини буротма асосида таъмирдан чиқариш билан бирга, «Навбахор» маҳалласи кўчаларини созлашга ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Денов туманидаги 5 та фермер ҳўжалиги эса «Хитоя» маҳалласидаги 10 километрлик кўчаларга асфальт ётқизмоқда.

... Баҳор қунарининг бирида ёнғингарчилик туфайли «Жалоир» маҳалласи ҳудудидидаги дарё ўстидан ўтган қатта кўприкка шикаст етган эди. Эртасигаёқ кўприкни созлаш учун тумондан одам йиғилди. Ҳашар хайрли кечиб, кечгача қатнов тикланди. Бундай жипслик хусусида фикр билдираркан, қишлоқ оқсоқоли Эсон Шўраев «Бу аҳиллигимиз — Мустиқликимизга фалсафаси. Аҳил элнинг йўлларига ҳеч нарса гов бўлолмайди», деди.

Ҳаммамнинг дилидаги шу гапдан одамларнинг кўнгли янада равшан тортиди. Ҳа, бу ҳақ гап.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН

24 соат ичида

102 ёшли хонанда

Японияда 102 ёшли хонанда Айки Кано концерт берди, дея хабар тарқатди "Санкэй шимбун" нашри.

Санъатор концерти вақтида бундан 100 йил муқаддам ясалган пианиносида мусикалар ижро этиб, қўшиқлар куйлаган.

Япония Соғлиқни сақлаш, меҳнат ва фаровонлик вазири маълумотларига қараганда, мамлакатда 100 ёшдан ошганлар 36 минг кишини ташкил этади. Уларнинг 86 фоизи аёллардир.

Тахминлар турлича

Танзаниянинг Мафия ороли қирғоқларидан 10 нафар одамнинг жасади топилди, дея хабар тарқатди "AFP" ахборот агентлиги.



Хукумат вакилларининг сўзларига кўра, улар "Yemenia Airways" авиакомпаниясига тегишли "А310-300" самолёти бортида бўлган йўловчиларнинг жасади. Таъкидлаш жоизки, бундан бир неча кун муқаддам ҳам айнан ушбу

худуддан ўша лайнерда бўлган йўловчилардан 13 нафарининг жасади топилган. Эслатиб ўтамоқчи, Яман пойтахти Сана шаҳридан ҳавога кўтарилган "А310-300" самолёти Комор оролларида ҳалокатга учраган. Ушундан кейин бортида 142 нафар экипаж аъзоси ва 142 нафар йўловчи бўлган. Ҳанузгача лайнернинг "қора кутиси" топилгани йўқ. Шу боис ҳалокатга ноқулай об-ҳаво шароити ва техник носозлик сабаб бўлган, деган тахминлар илгари сурилмоқда.

Омборхонада ёнгин

Италия пойтахти Рим шаҳри жанубида жойлашган автомобиллар сақлаш омборхонасида ёнгин содир бўлди.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарига қараганда, олов омборхонанинг тўққиз минг квадрат метр қисмига зарар етказган. Натижада у ерда сақланаётган 1000 донага яқин автоулов ёниб кетган. Ўт ўчирувчилар "тилсиз ёв"ни бар-тароф этишга бир неча соат вақт сарфлашган. Ҳозирча қурбонлар ҳақида маълумотлар йўқ. Фақатгина ўт ўчириш хизмати ходимларидан бири жароҳат олган. Воқеа сабаблари ўрганилмоқда.

Хитойда zilzila

"Associated Press" ахборот агентлигининг хабар қилишича, Хитойнинг Юньнань музофотида Рихтер шкаласи бўйича 6 баллга тенг zilzila содир бўлди.

Натижада 18 минг турар-жой биноси вайронга айланган, яна қирқ мингта иншоотга турли даражада зарар етган. 300 дан ортиқ киши жароҳатланган, улардан 30 нафарининг аҳоли оғир ҳолати билдирилди.

Хитой ҳукумати табиий офат юз берган минтақага инсонпарварлик юқларини жўнатган. Қидирув-қутқарув ишларига мутахассислар билан бирга, харбийлар ҳам жалб этилган. 2008 йилнинг май ойида ҳам ушбу мамлакатда кучли zilzila содир бўлган. Синуань музофотида юз берган табиий офат натижада қурбонлар ва бедарак йўқолишлари сони 70 минг кишига етган. 10 миллиондан ортиқ одам эса бошпанасиз қолган.

Энг митти самандар

Биологлар (АҚШ) дунёдаги энг митти самандар турини аниқлашга муваффақ бўлишди.

Жоржия (АҚШ) университети ходимларининг таъкидлашича, бу шу ҳилдаги жониворларнинг ҳидрогача фанда маълум бўлмаган ноёб тури бўлиб, унинг узунлиги бор-йўғи 23 миллиметрни ташкил этади. Митти самандарнинг яна бир ўзига хос жиҳати шуки, у териси билан нафас олган. Маълумот ўрнида келтириб ўтиш жоиз, шу пайтгача самандарларнинг 500 га яқин тури аниқланган. Ҳам қуруқликда ва ҳам сувда бирдек ҳаёт кечира оладиган ушбу жониворларнинг аjoyиб териси туфайли дунёда уларни қўйайтириш кенг йўлга қўйилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



O'ZSANOATQURILISHBANK

Бу йил мамлакатимиз мустақилликка эришганига 18 йил тўлади. Президентимиз раҳнамолигида ўтган давр мобайнида мислсиз муваффақият ва ютуқларга эришдик. Буларнинг барчаси тараққиётнинг ўзимизга хос ва мос йўлини танлаганимиз, шу йўлдан қатъият билан бораётганимиз самарасидир. Бизнинг йўлимиз тўғри эканлиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини қўлама тобора кенгаётган ҳозирги шароитда яна бир бор ўз исботини топди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларидаги оламшумул ўзгаришлар ва янгиланишларнинг барчаси инсон, унинг манфаатлари учун йўналтирилганлиги аниқ. Хусусан, мамлакатимиз молия бозорининг етакчи муассасаси — "Ўзсаноатқу-

каби бекиёс афзалликларга эгадир. Очиги, бир вақтлар оддий бир карточкага бутун жамғарма жойлаштирилиб, у орқали нафақат мамлакат, балки жаҳоннинг исталган жойида маблағга эга бўласиз, дейилса, кўпчилик ишонмасди. Бугун эса

рини қисқартириш, пул маблағларини сақлаш ва фойдаланишда ниҳоятда қулайдир. Миллионлаб сўм чўнтақнинг бир четида — биргина пластик карточкада юрaverади. Шунингдек, пластик карточкага ўтказилган маблағ йўқолмайди ва эскирмай-

БОШ МЕЗОН – МИЖОЗ МАНФААТИ

Ана шу тамойил асосида фаолият юритаётган "Ўзсаноатқурилишбанк" жамоаси мамлакатимиз молия бозоридаги ўз нуфузини янада мустақкамламоқда.

ришбанк"нинг ҳам бутун фаолияти келажакни ўз қўли билан яратётган бағрикенг халқимизнинг фаровонлиги, юртимизнинг ободлиги ва тараққиётига қаратилган. Бугунги кунда мазкур молия муассасасининг уч ярим минг кишилик жамоаси 1 миллионга яқин миқозлар хизматиде. Юртимизнинг турли минтақаларидаги 43 та филиал, 100 га яқин минибанк, 200 га яқин жамғарма кассаси ва бошқа шохбачалар унинг қўшанотлари ҳисобланади. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, унинг ўз капитали 177 миллиард сўмга етказилди. Жами умумий активлар ҳажми 1,6 триллион сўмдан ошди.

Табиийки, "Ўзсаноатқурилишбанк" эришаётган бундай муваффақиятлар тақдим этилаётган хизмат турларининг сифати ва салмоғи ортиб бораётганлиги, ходимларнинг билим ва тажрибаси, энг асосийси, миқозга мўнасабати юксалаётганлиги билан боғлиқ. Мазкур банкнинг самарали фаолияти нуфузли халқаро молия муассасалари томонидан муносиб баҳоланаётганлигининг сабаби ҳам шунда.

Албатта, "Ўзсаноатқурилишбанк" кўлга киритган ютуқлар ва қамраб олинган соҳалар билангина чекланиб қолмайди. Аксинча, у бугун мамлакатимиз келажакга дахлдор йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, саноят, қурилиш, транспорт, алоқа ва таъминот қорхоналарига комплекс равишда мо-



Молия муассасаларида

пластик карточкалар орқали нақд пулсиз муомаланинг амалга оширилиши кундалик оддий жараёнга айланган. "Пластик карточка", "терминал" ёки "банкомат" деган атамалар ҳам аввалгидек ҳайратланарли эмас.

Ҳа, Истиқлол ҳаётимизнинг барча жиҳатларига янгилик ва ўзгаришлар олиб кирди. Қай бир соҳага қарамағ, янгича ишлаш, ташаббус кўрсатиш, изланиш, яратиш ва бунёдкорлик жараёни кўзга

ди. Аксинча, пластик карточка эгаси бундан даромад ҳам олади. Масалан, "Ўзсаноатқурилишбанк" пластик карточкасининг соҳиби йилга 24 фоизгача фойда олиши мумкин. Қолаверса, пластик карточкалардан мамлакатимизнинг исталган худудда фойдаланиш мумкин. Яна бир афзаллик жиҳати шуки, сиз уни йўқотиб қўйган тақдирингизда ҳам, жамғармангиздан ҳеч ким фойдалана олмайди. Банк эса бундай вазиятда пластик карточкангизни бир зумда янгилаб беради.

Маълумки, "Ўзсаноатқурилишбанк" пластик карточкаларни муомалага чиқаришни ва миқозларга хизмат кўрсатишни 2000 йилдан бери амалга ошириб келмоқда. 2002 йилда "VISA" халқаро ассоциациясига аъзо бўлиб, ҳозирги кунгача миқозларга бу тизимнинг энг замонавий хизмат турларини тақдим этиб келаётган.


Давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 апрелдаги "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг янада самарали бўлишига хизмат қилди.

Биргина шу йилнинг 1 июнигача банкнинг "VISA" пластик карточкалари орқали 4 миллионга яқин транзакция ўтказилиб, тўловлар миқори 100 миллиард сўмга етди. Ил бошидан бўён терминаллар орқали ўтказилган тўловларнинг 94 фоизи савдо шохбачаларида амалга оширилди.

Ҳозирги кунга келиб, банкнинг барча филиаллари томонидан "VISA" терминаллари орқали тижорат банкларининг DUET тизимида ишлайдиган жами карточкаларини қабул қилиш йўлга қўйилган. Жорий йил

бошидан бўш DUET тизимидаги пластик карточкалар орқали савдо шохбачаларига ўрнатилган терминаллар ёрдамида 28,0 миллиард сўмлик тўловлар амалга оширилди.

"Ўзсаноатқурилишбанк" халқаро "VISA" пластик карточкалари банк томонидан ўрнатилган савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохбачаларидаги терминаллар орқали on-line режимида тўловларни амалга оширади. Авторизация тўловини ўтказишга, агарда пластик карточка ҳисоб рақаминда пул маблағи етарли бўлса, пластик карточка стоп-листда бўлмаса рўхсат берилади. Акс ҳолда эса, тўловга рўхсат берилмайди. "VISA" пластик карточкаси ҳисоб рақамларидаги маблағлар банк сири ҳисобланади. Бундан ташқари, миқозлар пластик карточка ҳисоб рақамларига иш ҳақи ва унга тенглаш-



тўловларни амалга ошириш имконига эгадирлар. "Ўзсаноатқурилишбанк" юқори савияда хизмат кўрсатган ҳолда, ўз миқозларига замонавий банк маҳсулотлари ва хизматларининг жоизбадор турларини тақдим этмоқда. Миқозлар билан шериклик мўнасабатларини мустақкамлаш ва ривожлантириш, шунингдек, миқозлар базасини кенгайтириш эса уларнинг ҳисобварақларидаги маблағлари ҳажмининг сезиларли даражада ошишига олиб келмоқда.

Шу боис мамлакатимиз раҳбариятининг тегишли қарор ва дастурлари ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида 2006-2010 йиллар мобайнида банк томонидан яна кўплаб пластик карточкаларни эмиссия қилиш ва қўшимча терминаллар ўрнатиш режалаштирилган. Дунёнинг йирик молия бозорлари-

Ҳам қулай, ҳам афзал

"Ўзсаноатқурилишбанк"нинг миқозларга тақлиф этаётган пластик карточкалари куйидаги бекиёс афзалликларга эга.

- Жумладан:
• ҳар бир пластик карточкадаги маблағ йиллик 24 фоизгача даромад келтиради;
• пластик карточкалар барча филиалларда коммунал, маиший ва бошқа тўловларни амалга ошириш имкони мавжуд;
• пластик карточка ҳисоб рақамига ўрнатилган тартибда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиш мумкин;
• пластик карточкадаги маблағлар ва уларга ҳисобланган фойзалар тўғрисидаги маълумотлар сир сақланиши кафолатланади;
• пластик карточка эгалари учун "SMS-banking" хизмат тури жорий қилинган бўлиб, бу пластик карточка ҳисоб рақамидеги қолдиқ маблағ миқдори, терминаллар ва банкоматлардан очилган пул маблағлари тўғрисидаги маълумотларни шу заҳотиёқ олиш имконини беради.

карточкалари дунёнинг исталган мамлакатларида ("VISA" халқаро ассоциациясига аъзо бўлган банкларнинг савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохбачаларида) бирдек тўлов қўбилишига эга. Шунингдек, АҚШ долларидеги "Visa Classic" пластик карточкаси эгалари Интернет орқали тўловларни амалга оширишлари ҳам мумкин.

Бундан ташқари, "Ўзсаноатқурилишбанк" юридик ташкилотлар учун корпоратив "Visa Business" пластик карточкаларини ҳам тақлиф қилмоқда. Ташкилотлар бундай пластик карточкалар воситасида ўзининг кундалик ва ҳўжалик харажатлари учун VISA савдо белгиси мавжуд бўлган терминаллар орқали нақд пулсиз

да ҳали-ҳануз иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда "Ўзсаноатқурилишбанк" жамоаси кўрсатилаётган хизматларнинг барча турлари бўйича ўз пешқадамлигини мустақкамлабди ва молия қўламини янада кенгайтиради. Янги лойиҳалар, гоғлар устида тинимсиз изланиб, миқозлар эҳтиёжи учун қулай ва сифатли бўлган хизмат турларини кенгайтириш йўлида астойдил хизмат қилади. Бундан ташқари, банк миллий молия тизимини янада барқарорлаштириш, иқтисодийнинг реал тармоғига инвестицияларни кўпроқ жалб этиш ва шу орқали мамлакатимиз иқтисодийёти янада юксалтириши ўзининг устувор вазифаси деб билади.

Шундай экан, инсон, унинг манфаати, турмушининг ободлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлида хизмат қилиш доимо "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг диққат марказидаги масала бўлиб қолавереди. Фурқат САНАЕВ тайёрлади.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Бухоро вилояти филиали
Бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидега ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!
РКМБ Бухоро вилояти филиалининг аукцион савдосига Давлат мулки қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Когон тумани ҳокимининг 2009 йил 28 майдаги 481-сонли, 2009 йил 25 июндаги 542-сонли, 2009 йил 16 февралдаги 155-сонли, Бухоро шаҳар ҳокимининг 2009 йил 9 июндаги 893-сонли, 2008 йил 24 ноябрдаги 1591-сонли, Бухоро тумани ҳокимининг 2009 йил 17 июндаги 195-сонли ҳамда Шофиркон тумани ҳокимининг 2008 йил 10 декабрдаги 2495-сонли, 2009 йил 19 июндаги 399-сонли қарорларига асосан, куйидаги ер участкасида фойдаланиш ҳуқуқи ҳамда ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқлари аукцион савдоларига қўйилмоқда:

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
2009/2010 ЎҚУВ ЙИЛИ АБИТУРИЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Институтда мавжуд бўлган барча йўналишлар ва мутахассисликлар ҳақида маълумот
БАКАЛАВРИАТ
• Архитектура
• Дизайн
• Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш
• Менежмент (соҳалар бўйича)
• Қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш технологияси
• Геодезия, картография ва кадастр
• Бино ва иншоотлар қурилиши (турлари бўйича)
• Шаҳар қурилиши ва ҳўжалиги
• Муҳандислик коммуникациялари қурилиши
• Касб таълими (таълим йўналишлари бўйича)
• Гидротехника қурилиши
• Ландшафт архитектураси
• Сервис (уй-жой, коммунал ва маиший хизматлар)

МАГИСТРАТУРА
• Амалий геодезия
• Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш
• Бино ва иншоотлар архитектураси
• Биололар, шаҳар худудларини комплекс қайта қуриш, тиклаш ва улардан фойдаланиш
• Газ-нефть сақлаш омборлари ва қувурлари қурилиши
• Лойиҳалаш-технологик ва конструкция-технологик ечимларнинг тизимли таҳлили
• Иситиш, шамоллатиш, ҳавоний мўстадиллаш ва ҳаво ҳазасини муҳофаза қилиш
• Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар
• Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш
• Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
• Реклама
• Саноят ва фуқаро қурилиши технолоғияси ҳамда уни ташкил этиш
• Сув таъминоти, канализация, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш
• Кўчмас мулкни баҳолаш
• Қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс қуриш
• Бино ва иншоотларнинг техник баҳолаш
• Шаҳарсозлик, туман ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини режалаш
• Ландшафт архитектураси
• Гидротехник иншоотлар
Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 244-18-78, 241-14-52.
www.tashinfo.net
E-mail: tash_info@net

М Тошкент шахрининг 2200 йиллиги олдида — тарих кўзгуси. Аини пайтда у ўтмиш ва бугунги кун ўртасидаги мустақам кўприкдир. Бунини теран ҳис этган Ўзбекистон тарихи давлат музейи жамоаси Тошкент шахрининг 2200 йиллик тўйига бағишланган маърифий тадбирлар ҳамда кўргазмаларни ўтказиб келмоқда. Музей директори, тарих фанлари доктори Жаннат ИСМОИЛОВА билан бўлган суҳбатимиз ана шу хусусда бўлди.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида музейлар фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда, — дейди у. — Натижада ўтган йиллар мобайнида музейларимизнинг моддий-техник базаси мустақамланди, бинолари таъмирдан чиқарилиб, янгилари барпо қилинди. Аини пайтда соҳанинг ҳуқуқий асослари яратилди. Хусусан, "Музейлар тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши бунинг тасдиғидир.

Маълумки, музейлар инсониятнинг бой ва бетакрор ўтмиши кўзгусидир. Жаҳонда бугунги кунда миллиондан ортиқ музей мавжуд. Ўтган асрнинг охирига келиб, музейшунослик аёнчалари янгиланди. Эндликда музейдан нафақат тарихий ёдгорлик, балки замонавий ашёлар ҳам кенг ўрин ола бошлади. Шу тарихи музей ҳақиқий маърифат масканига айланди. Ҳозир мамлакатимизда 1200 га яқин ана шундай маърифат масканлари самарали фаолият қўрсатиб келмоқда. Уларнинг орасида Ўзбекистон тарихи давлат музейининг ўз ўрни бор.

— Айтинг-чи, шу пайтга қадар пойтахтнинг муборак тўйи муносабати билан қандай тадбирлар ўтказилди?

— Мамлакатимиз Президентининг "Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллионлик келажакчи йўқ" деган сўзлари бор. Мазкур ҳақиқатни теран тушушунга музейимиз жамоаси халқимизга, айниқса, ёшларимизга юртимиз тарихи, хусусан, Тошкент тарихи ҳақидаги бой маълумотларни етказишга ҳаракат қилмоқда.

БОЙ ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ

Чунончи, пойтахтимиздаги мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртиларида "Шаҳрим — фаҳрим", "Тошкент тарихини ўрганамиз", "Тошкент — Буюк Илқ йўли чорраҳасида" деб номланган ва бошқа яна кўплаб мавзуларда турли маданий-маърифий тадбирлар уюштирилди. Уларда иштирок этган минглаб ёшларимиз пойтахтимиз тарихи ва бугунги кун ҳақида атрофлича билим ҳамда тасаввурга эга бўлдилар.

Бундан ташқари, "Меъмор-2009" республика кўрик-танловини ўтказдик. Шунинг билан айтишимиз мумкинки, бу танловда иштирок этган ёшларимизнинг пойтахт иншоотлари ҳақидаги лойиҳалари кўпчиликлари лол қолдирди. Айниқса, танловнинг республика босқичига тавсия этилган 150 та лойиҳа мукаммаллиги, янгиларга бойлиги билан кўпчилигининг эътиборини тортди. Таъбир жоиз бўлса, ушбу лойиҳалар амалиётга татбиқ этилса, пойтахтимиз кўрғига янада кўрк бағишлаши мумкин. Шу боис мазкур из-

ланишлар ҳакамлар томонидан ҳам оқори баҳоланди.

— Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишлаб ташкил этила-



ётган кўргазмадан қандай экзопонатлар жой олмақда?

— Аввало, шунини айтиш лозимки, Тошкентнинг кўлғу санасига бағишланган кўргазмалар пойтахтимиздаги йирик музейлар — Адабиёт ва ташкил музейи, Темирийлар тарихи давлат музейи, Қатагон қўрбонлари хотираси музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи ва яна бир қатор музейларда амалиётга татбиқ этилди. Шу жумладан, бизнинг музейда "Қадимий ва навқирон Тошкент" номи кўргазма

ташкил этилмоқда. Ушбу кўргазмада Тошкент шахрининг тарихий тараққиёти ва бугунги ҳаёти ашёвий даражаси, археологик топилмалар намуналари, ҳужжатлар, фотосуратлар, хариталар орқали намойиш этилади. Маълумки, Тошкент ўтмишда турли номлар билан аталган, ҳудудий жойлашуви ҳам турли манзилларда бўлган. Кейинги йилларда топилган

таассурот қолдиришига ишонамиз. Таъкидлаш жоизки, кўргазма экспозицияси уйғунлигида ривожланиб боради. Бошқача айтганда, пойтахтнинг ўтмиши ҳақидаги экспозициялардан сўнг унинг истиқлол даври кўз олдинда гавдаланади. Айниқса, Бош майдондаги Мустақиллик ва Эзгулик монументи, Эзгулик майдони, шунингдек, пойтахтимиздаги яна бир сўлим гўша — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳақидаги суратли лавҳалар ва маълумотлар томошабин эътиборини тортади ҳамда ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришда туртки бўлиши, шубҳасиз.

Бундан ташқари, ушбу кўргазмадан пойтахтимизда фаолият кўрсатиб келаётган 3 мингдан зиёд йирик саноат корхоналари ҳамда 80 дан ортиқ мамлакатлар компанияларининг 1 минг 400 дан зиёд ваколатхона ва филиаллари ҳақидаги қимматли маълумотлар ҳам ўрин олган. Аини пайтда турли халқларнинг маданий марказлари фаолияти ҳам намойиш этилади.

— Кўргазма қачон бошланади ва қачан давом этади?

— Мазкур кўргазма шу йилнинг 1 августидан бошланиб, йил охиригача давом этади. Ҳозирча кўргазма учун зарур бўлган экспонатларнинг қарий 80 фоизи экспозициялар бўйича ўрнатиб чиқилди ва тайёргарлик ишлари деярли якунланиш арафасида.

Қисқаса, Тошкентнинг 2200 йиллик тантанасига қизгин тайёргарлик кўрсатишга боғлиқ бўлганда, юртдошларимиз ва хориқликларнинг пойтахтимизнинг кечаги ва бугунги кун ҳақида бой билим ҳамда тасаввурга эга бўлишлари яқинда кўргазмада ҳаракат қилмоқдамиз. Зеро, тарихини билган, ундан сабақ олиб, келажак сари дадил одимлаган халқнинг йўли порлоқ бўлиши, шубҳасиз.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
суҳбатлашди.

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ ИЛА БОҚАЁТТАН ШАҲАР

Саудия Арабистонида нашр этилувчи "Иқрья" ҳафтлик журнали саҳифаларида Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейига бағишланган мақола эълон қилинди. 1974 йилдан буён 30 минг нусхада чоп этилувчи "Иқрья" Саудия Арабистони ва бошқа қатор араб мамлакатларида тарқатилди. Нашр илм-фан, маданият ва санъат намояндлари орасида, айниқса, оммабол.

Мақолада Тошкентнинг тарихи, олимлари, диний арбоблари, шахарнинг замонавий ҳаёти, қадимий ёдгорликлари ва диққатга сазовор жойлари тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар жой олган.

Журнал ўқувчиларни Ўзбекистон пойтахти аини кунларда ўзининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрсатиши тўғрисида хабар қилиб, бу ҳақида қарор ЮНЕСКО Бош конференция-

сида сўз юритиб, нашр ислом дини ва илм-фаннинг ривожига улкан ҳисса қўшган Имом Абу Бакр Муҳаммад бин Исмоил ал-Қаффор Шоший (ҳалқ орасида Ҳазрати Имом номи билан машҳур) ҳамда Имом Абу Саид аш-Шошийнинг номларини келтириб ўтди.

Журналда ёзилишича, мустақиллик йилларида Тошкент ўз тарихидаги янги саҳифаларни очди.

Дунё нигоҳи

Тошкентнинг 2200 йиллик тарихи мобайнида қилчак шаҳарчадан дунёнинг йирик шаҳарига бўлган шонли йўлни босиб ўтди, — дейилади мақолада. — Буюк Илқ йўлининг қаровон йўллари айна Тошкент ҳудудидан ўтиб, Шарқ ва Ғарб цивилизацияларини ўзаро боғлаб турган. Бугун Тошкент — Марказий Осиёнинг энг йирик шаҳри бўлиб, унга аҳамиятига молик сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларда муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

"Иқрья" шахарнинг номи хусусида сўз юритиб, у қадимий араб, форс ва хитой манбаларида турлича кўринишларда учрашини таъкидлайди. Буюк олим Абу Райҳон Беруний эса ўз асарларида шаҳарни "Ташканд" деб атаганлиги баён этилади. Қадимий тарихчилар шаҳарни "Минглаб шаҳарлар юрти", "Шарқ дарвозаси", "Шарқ Юлдузи" каби номлар билан аташган.

Тошкент номини бутун дунёга ёйган олимлар тўғрисида сўз юритиб, нашр ислом дини ва илм-фаннинг ривожига улкан ҳисса қўшган Имом Абу Бакр Муҳаммад бин Исмоил ал-Қаффор Шоший (ҳалқ орасида Ҳазрати Имом номи билан машҳур) ҳамда Имом Абу Саид аш-Шошийнинг номларини келтириб ўтди.

«Жаҳон» АА.
Жиддо

Шифобахш гиёҳлар

Райҳон нафақат таомларга таъм берувчи, балки бир қатор хасталиқларга даво бўлувчи гиёҳ ҳисобланади. Хусусан, табобат ахлининг маълумотларига қараганда, райҳон ҳидлаган киши бош оғриғидан халос бўлиши, ҳатто ундан вабо касаллигига даво сифатида ҳам фойдаланиши мумкин экан.

РАЙҲОН

Шунингдек, Абу Али ибн Сино қора райҳоннинг хусусиятларига тўхталиб, унинг суртмаси кўз оғриғига фойда қилишини, истеъмол қилганда, юракка қувват бағишлашини, ич кетишини тўхташи ва пешоб ажралишини яхшилашини таъкидлаган. Тарихида эфир мойи, сапонин, ошловчи моддалар, глюкозидлар, Р, С ҳамда А витаминлари бўлгани унинг шифобахшлигини таъминловчи омиллардир. Шу боис замонавий тиббиётда ҳам райҳондан фойдаланилади.

Масалан, шифокорлар уни тинчлантирувчи, нафас олиш фаолияти сустайганда, умумий қувватсизликда тегишлилиги, қон меъёри бузилганда фойда қилувчи табиий даво воситаси сифатида тавсия қилишади. Бундан ташқари, райҳоннинг қайноқ дамламаси буйрак ва қовуқ шамоллашида, безгак хуружини қамайтиришда ҳам зарарсиз малҳам бўла олиши исботланган.

М. НАБИЕВ,
доришунос.

ОБ-ҲАВО

(14 июль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик қўтилмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қўзилмайди. Кечаси 17-22, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 17-22, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қўтилмайди. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Айрим жойларда қисқа мuddатли ёмғир ёғиб, момақалдиқ бўлиши мумкин. Тунда 17-22, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 18-20, кундузи 33-35 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгирмовчи» маълумотлари орасида тайёрланди.

Спорт • Sport • Спорт

ҲАМЮРТИМИЗ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзолари Мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрамига ажойиб совға ҳозирладилар.

Кеча Италиянинг Брессанон шаҳрида ёшлар ўртасида енгил атлетика бўйича ўтказилган жаҳон биринчилигида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз Тошкент халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди.

Шу муносабат билан уюштирилган тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга кўрсатилган ғамхўрлик туфайли халқаро мусобақаларда кўлга киритилган ютуқлар салмоғи тобора ортиб бормоқда.

Жаҳон биринчилигида юртимиз шарафини ҳимоя қилган енгил атлетикачиларимиз бу сафар ҳам кеч қандам кам эмасликларини амалда

исботладилар. Жумладан, найза улоқтириш баҳсларида қатнашган Анастасия Свечникова 53,25 метр натижага эришиб, олтин медаль билан тақдирланди. Хитойлик Ву Ю (52,04) ҳамда германиялик Лаура Хенкель (51,47) иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Уч хатлаб сакраш беллашувларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Валерия Канатова 13,45 метр натижага кайд этиб, бронза медали соҳиби бўлди. Жаҳон биринчилигида дунёнинг 180 мамлакатидан келган 1300 нафардан зиёд енгил атлетикачи қатнашганлигини ҳисобга олсак, медаллар учун кураш нақадар қўйин кечганлиги ўз-ўзидан ойдинлашади.

Бобур — олтин медаль соҳиби

Украинанинг Бердичев шаҳрида бокс бўйича ўтказилган аънавий халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учта медаль билан тақдирланди.

Тўққизинчи бор ташкиллаштирилган бу мусобақда мезбонлардан ташқари, Озарбойжон, Ўзбекистон, Россия, Беларусь, Молдова ва Шведиядан келган тўқсон нафарга яқин "чарм қўлқоп" усталари медаллар учун кураш олиб бордилар.

Мухими, 57 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан боксчимиз Бобур Айтбобов барча рақибларини катта устунлик билан енгиб, олтин медални кўлга киритди. Шунингдек, Сардор Бегалиев (81 кг.) қумуш, Пахлавон Ҳожиев (48 кг.) бронза медаллари билан тақдирланди.

Ўтган беллашув 2:1 ҳисобида "Бунёдор" ва вице-чемпион "Пахтакор" жамоалари майдонга тушдилар. Таъкидлаш лозимки, миллий чемпионат ўйинлари доирасида ҳар иккала жамоа ўзаро тўрт марта учрашган, уларнинг барчаси дуранг натижа билан якунланган. Бу сафар ушбу аънава бузилди. Тенг курашлар остида

Ўтган беллашув 2:1 ҳисобида "Бунёдор" фойдасига ҳал бўлди.

Шундай қилиб, "Бунёдор" футболчилари 15 та ўйинда 45 очко тўплаган ҳолда "Пахтакор" (36 очко)дан 9 очкога илгариллаб кетишди. Учинчи ўринда бораётган "Насар" жамоаси ҳисобида 27 очко бор.

Зиёдулла ЖОНИЕБЕКОВ.

«Бунёдор»нинг галабаси

Пойтахтимиздаги "Жар" стадионида футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг қолдирилган учрашуви бўлиб ўтди.

Унда амалдаги чемпион "Бунёдор" ва вице-чемпион "Пахтакор" жамоалари майдонга тушдилар. Таъкидлаш лозимки, миллий чемпионат ўйинлари доирасида ҳар иккала жамоа ўзаро тўрт марта учрашган, уларнинг барчаси дуранг натижа билан якунланган. Бу сафар ушбу аънава бузилди. Тенг курашлар остида

Ўтган беллашув 2:1 ҳисобида "Бунёдор" фойдасига ҳал бўлди.

Шундай қилиб, "Бунёдор" футболчилари 15 та ўйинда 45 очко тўплаган ҳолда "Пахтакор" (36 очко)дан 9 очкога илгариллаб кетишди. Учинчи ўринда бораётган "Насар" жамоаси ҳисобида 27 очко бор.

Зиёдулла ЖОНИЕБЕКОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

2009/2010 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
ҚУЙИДАГИ ТАЪЛИМ
ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА
МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

БАКАЛАВРИАТ:

I. ФИҚҲ, ИҚТИСОД ВА ТАБИИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

- ҳуқуқшунослик (ислом ҳуқуқи) (ўзбек ва рус гуруҳлари);
- жаҳон иқтисодий ва халқаро иқтисодий муносабатлар (ўзбек гуруҳи);
- информатика ва ахборот технологиялари (ўзбек гуруҳи).

II. ИСЛОМ ТАРИХИ ВА ФАЛСАФАСИ ФАКУЛЬТЕТИ

- диншунослик (ўзбек ва рус гуруҳлари).

МАГИСТРАТУРА:

- диншунослик;
- исломшунослик;
- хорижий мамлакатлар иқтисодий ва маданий муносабатлари ҳуқуқий тизими.

Абитуриентларнинг ҳужжатлари қабул комиссияси томонидан 2009 йил 20 июндан 20 июлга қадар, магистратурага 31 июлгача қабул қилинади. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-ўй. Мурожаат учун телефонлар: 244-00-56, 244-00-49, 244-49-71.

Қабул ҳайъатига топшириладиган ҳужжатлар:

- университет ректори номига ариза;
- ўрта маълумот ҳақида шаҳодатнома ёки дипломнинг асл нусхаси;
- 3,5x4,5 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат;
- 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома;
- паспорт нусхаси;
- ҳарбий хизматга тегишли ҳужжатнинг асл нусхаси.

Тест синовлари 1 август кuni ўтказилади.
Талабалikka қабул қилиш абитуриентнинг тест синовларида тўплаган балларига асосан ҳал қилинади.

Омад ёр бўлсин!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 37593 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орплов,
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров,
Навбатчи — Ф. Бугаев,
Мусоҳаҳ — Ҳ. Топхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.10 Тошхирли — 23.55

1 2 3 4 5 6 8 9